

## Фитна



17:04 / 10.01.2024 3054

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿الْعَقَابِ شَكِيدُ اللَّهِ أَنْتِ وَأَعْلَمُوا حَاصَّةً مِنْكُمْ ظَلَمُوا الَّذِينَ نَصَبْنَا لَافْتِنَةً وَأَتَقُوا﴾

**«Сизлардан зулм қилганларнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинглр. Билинги, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир» (Анфол сураси, 25-оят).**

Ушбу ояти каримадаги «фитна» сўзи бошқа оятлардаги каби, синов ва бало маъноларини англатади. Қайси бир жамоада золимлар зулм қилиб, бошқалар қараб турса, ҳамма – зулм қилганлар ҳам, қараб турганлар ҳам баробар балога гирифтор бўладилар.

«Зулм» деганда фақат бир шахснинг иккинчи шахсга тажовуз қилиши англамайди. Бу сўзнинг маъно қамрови кенг бўлиб, унинг ичига барча ноҳақликлар, гуноҳлар ҳам кириб кетади. Хусусан, динни тарк этиш, Аллоҳнинг амрига юрмаслик ҳам катта зулм ҳисобланади. Қайси бир жамиятда ана шундай зулмлар содир этилса, ўша жамиятнинг барча аъзолари – зулм ишларни қилганлар ҳам, уларга бефарқ қараб турганлар ҳам биргаликда фитнага – оммавий бало-офатга гирифтор бўладилар.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтирган бандаларини бундан огоҳлантириб, ушбу хитобни қилмоқда:

**«Сизлардан зулм қилганларнинг ўзигагина етмайдиган фитнадан сақланинглр».**

Яна Аллоҳ таоло зулм қилаётганлар ва уларга жим қараб турганларга қарата «...**билинги, Аллоҳнинг иқоби шиддатлидир**», демоқда.

Албатта, зулмга қарши курашиш осон эмас. Лекин муслмон одам қийинчиликлар олдида тушкунликка тушмаслиги керак. Ихлос билан ҳаракат қилса, Аллоҳнинг Ўзи ёрдам беради.

يَضْرِبُ شَحْجَ تَنْبَبَ بَنْيَزْ نَع  
ظُقْيَيْتْ سَا : تَلْأَقْ أَهْ نَعْ هَلْ لْ  
هَيْلَعْ هَلْ لْ إِيْلَصْ يَبْنَلْ  
هَجْ وَ أَرْمُحْ مُمْؤْنَلْ نَمْ مَلَسْ وَ  
لِيْ وَ هَلْ لْ إِيْلَإِ هَلْ إِيْلَ : لُوقِيْ  
بَرْتُقَا دَقِيْ رَشْ نَمْ بَرَعْلَلْ

جُوجُ أَيِّ مَدْرٍ نَمَ مَوْيِلًا حَتُّفٍ  
دَقَّعَ وَ «إِذْهُ لُثِمَ جُوجُ أَمَّو  
ةَئَامٌ وَأَنْ يَغُسُّ نَأْيُفُ س  
أَنْ يَفَوْ كِلْهَنَّا لِيَق  
إِذَا مَعَن» لَأَقِ ، نَوْحِلْ أَصْلًا  
ةَ غَبْرًا أَوْر . «ثَبَّخُ لَأَرْثَكَ

Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом уйқудан юзлари қизарган ҳолда уйғониб, «**Лаа илааҳа иллаллоҳ! Яқинлашиб келаётган ёмонликдан арабларнинг ҳолига вой! Бугун яъжуж-маъжужнинг тўғонидан мана бунча очилди**», дедилар. – Суфён қўлини букиб, тўқсон ёки юз қилиб кўрсатди – «Ичимизда солиҳлар туриб, ҳалок бўламизми?» дейишган эди, у зот: «**Ҳа, агар фисқу фужур кўпайса**», дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

Шарҳ: Одамлар орасида фисқу фасод кенг тарқалса, ораларида солиҳ кишилар бор бўлса ҳам, Аллоҳ таоло уларни ҳалокатга дучор қилар экан. Шунинг учун кўпчилик бўлиб фисқу фасодга қарши туриш лозим.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضَرَّةَ مَلَسٍ مُمْأَنَعٍ  
لُؤْسَرٍ ظُقْيَيْتُ سَا : تَلَأَقِ

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصْ هَلَلَا  
لُوقِي أَعَزَفَ ءَلَيْلَ مَلَّسَ و  
لَزْنًا إِذَامَ هَلَلَا نَاخُبُسَ  
لَزْنًا إِذَامَ، نِيءَازْخَلَا نَمُ هَلَلَا  
ظِقْوِي نَمَ، نَتِفَلَا نَم  
ءَيْسَاكُ بُرَ، تَارْجُخَلَا بَحَاوَص  
يْفُ ءَيْرَاعِ أَيُّنْدَلَا يِف  
يِرَاخُبُلَا هَاوَرِ. «ءَخَالَا  
يِذِمَّرْتَلَاو»

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулulloҳ алайҳиссалом кечаси чўчиб уйғондилар, сўнг  
«Субҳаналлоҳ! Аллоҳ қандай хазиналар нозил қилди! Қандай  
фитналар нозил қилинди! Хужра соҳибаларини ким уйғотади? Бу  
дунёда не-не кийимлилар борки, кўпи охиратда яланғочдир!»  
дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Пайғамбар алайҳиссаломга келажакда содир бўладиган баъзи  
ишлар, фитна ва бошқа ҳодисалар билдириб турилган. Бу сафар ҳам у зот  
уйқудан чўчиб уйғониб, ана шундай хабарлардан бир нечасини айтганлар:

### «Аллоҳ қандай хазиналар нозил қилди!»

Бу ерда келажакда мусулмонларнинг қўлига ўлжа бўлиб тушадиган, жумладан, Форс ва Рум империяларидан тушадиган хазиналар ҳақида сўз кетмоқда.

### «Қандай фитналар нозил қилинди!»

Бу ерда асосан мусулмонлар орасида бўладиган, ҳазрати Усмонга қарши қўзғалган фитнадан бошланадиган фитналар ҳақида сўз кетмоқда.

### «Ҳужра соҳибаларини ким уйғотади?»

Бу ерда Пайғамбар алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳҳаралари назарда тутилган.

### «Бу дунёда не-не кийимлилар борки, кўпи охиратда яланғочдир».

Бу дунёда бой-бадавлат бўлиб, турли-туман қимматбаҳо ва чиройли кийимлар кийиб ўтганлар у дунёда гуноҳлари ва айблари туфайли аҳли маҳшар олдида шармандали равишда яланғоч бўлиб қоладилар. Ҳар бир мўмин банда бу улкан ҳақиқатдан огоҳ бўлмоғи лозим.

أَهْنَعُ هَلَلَايَ ضَرَّةَ شَيْءٍ أَعْنَعُ  
هَلَلَا لُؤْسَرَةَ ثَبَعُ: تَلْأَقِ  
يَفَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصِ  
:لَأَقَفُ هَأَلْأَسَفِ إِمَّأَنَم  
يَتَّمُأَنَمَ أَسَّأَنُ نَأِبَجَّعُأ  
نَمَلُجَرَبَاتِي بَلَا أَدَهَ نَوْمُؤَي

تِي بَلَابْ أَجَلْ دَقِ شِي رُقِ  
ءَاذِي بَلَابْ أُونَاكَ إِذَا يَّتَح  
أَي: أَنْ لُقَفْ ، «مِهِبَ فِسْخِ  
دَقِ قِي رَطْلَانِ إِهْلَالِ لُوسَرِ  
مَعَنْ» : لِقَافْ ، سَانِ لَأَعْمَجِي  
رُصْبَتِ سُمْلَامِ هِي فِ  
لِي بَسْلَانِ نَبَاوِ رُوبَجِ مَلَاوِ  
أِدِحَاوِ أَكَلُهُمْ نَوَكِلُهُ ي  
يَّتَشَرِدَا صَمَنْ وَرْدِ صَيِّوِ  
يَلَعُ هَلَلَا مُهْتَعَبِي  
ةً غَبْرَالَا هَاوِرِ . «مِهِتْ أَيِنِ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулulloҳ алайҳиссалом уйқуларида сесканиб тушдилар.  
Кейин у зотдан бу ҳақда сўраган эдик, у зот: **«Ажабо! Умматимдан бир  
гуруҳ кишилар Қурайшдан чиққан бир киши билан мана шу байтга  
беркиниб олаётган эди, очиқ ерга чиққанларида эса уларни ер  
ютди»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, гоҳида йўлда турли одамлар

жамланиб қолади-ку», дедик. Шунда у зот: **«Ҳа, уларнинг орасида қасд қилган ҳам, мажбур бўлган ҳам, йўлда қолган ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси бирга ҳалок бўлади, аммо турлича қайта тирилади. Аллоҳ уларни ниятларига қараб, қайта тирилтиради»**, дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Фитна бўлганда ва унинг сабабидан ҳалокат келганда ҳўлу қуруқ – ҳаммаси баробар ёнар экан. Ўша ҳалокат фитнага қасддан қўшилганни ҳам, мажбур бўлиб ноилож қўшилганни ҳам, йўловчини ҳам олиб кетар экан. Аммо бу «Ҳаммасининг оқибати бир хил бўлар экан-да», дегани эмас. Вақти-соати етиб, Қиёмат қойим бўлганда улар турли ҳолда қайта тириладилар. Бу дунёда иймонли, ибодатли ва солиҳ амалли бўлганлар гўзал ҳолда, қолганлар эса хунук ҳолда қайта тирилади.

Шунинг учун ҳам, мабодо атрофидаги барча одамлар бузилиб кетиб, мўмин банда бир ўзи қолса ҳам, Аллоҳ таолонинг айтганидан қолмаслиги лозим.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**